



ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДЛАРИ ЙЎЛИДА СТРАТЕГИК ВА ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари БРИКС бирлашмаси давлатларининг саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 24 октябрь кунги “БРИКС плюс” саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтказилган тад-

бирда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Жанубий Африка Республикаси Президенти Сирил Рамафоса, Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси, Эрон Ислоҳ Республикаси

Президенти Массуд Пезешкиён, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко,

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садыр Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти

Сердар Бердимухамедов, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Фам Минь Тинь, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, бошқа бир қатор

давлатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмаларнинг раҳбарлари ҳамда юқори даражали вакиллари иштирок этди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “БРИКС ПЛЮС” ФОРМАТИДАГИ САММИТДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Россия Федерацияси Президенти хурматли Владимир Владимирович Путин Жапонияга аниқ самимий қабул ҳамда Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашган ва минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий Қозон шаҳрида тадбиримизни юксак даражада ташкил этгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшилиман.

Хурматли ҳамкасбларимизнинг нутқлари глобал ривожланишнинг долзарб масалаларида кенг мулоқот ва очиқ муҳокама учун “БРИКС плюс” форматидаги учрашувлар муҳим эканини тасдиқламоқда.

Афсуски, бугунги кунда дунё жадал бўлиниб бормоқда. Инсонларга улкан азоб-уқубатлар, оғир изтироб ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишлар келтирилган уруш ва можаролар сони ортмоқда.

Жаҳон иқтисодий ва савдосининг парчаланиб бораётгани тенгсизлик, технологик узилишлар ва протекционизмни кучайтирмоқда. Мамлакатлар ўртасида янги тўсиқлар вужудга келмоқда.

Бундай шароитда тенг ҳуқуқлилик, блоклардан холилик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, суверенитетга ҳурмат

ва ўзининг мустақил тараққиёт йўлига эга бўлиш ҳуқуқи каби тамойилларга асосланиб ҳаракат қилаётган БРИКС ўзини кўп томонлама ҳамкорлик ҳамда шерикликнинг нуфузли ва ривожланиб бораётган тузилмаси сифатида намойён этмоқда.

Ўзаро алоқаларнинг бундай модели Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий ролини сақлаган ҳолда жаҳон тартиб-интиқининг бугунгидан кўра адолатлироқ янги архитектуруасини шакллантириш учун мустаҳкам асос бўлиши мумкинлигига ишонамиз.

Геосиёсий рақобат, миллий эгоизм ва мафқуравий қўлилардан холи бўлган, конструктив мулоқот йўли билан глобал муро-сага эришиш бўйича янграган даъватларни қўллаб-қувватлайман.

Жаҳондаги бошқарув институтларини ислоҳ қилиш ҳамда “Жануб — Жануб” ва “Шимол — Жануб” форматларидаги масъулиятли мулоқотларни кенгайтиришнинг вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Россиянинг БРИКСга самарали раислиги даврида Ўзбекистон ушбу тузилманинг Ёшлар саммити ва Спорт уйинларида, юридик ва парламент форумларида, хавфсизлик

соҳасидаги юқори даражадаги учрашувда ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этди.

Биз бундан буён ҳам БРИКС давлатлари билан шериклик алоқаларини фаол ривожлантириш ниятидамыз. Ушбу бирлашма доирасида очилаётган янги имкониятлардан самарали фойдаланамиз.

БРИКС мамлакатларининг глобал тенгсизлик ва иқтисодий инклюзив йўл билан қайта тиклаш муаммоларини ҳал этиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фундаментал содқлигига қўшили-

амиз. Биз ўзинида гап, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларнинг ўткир ижтимоий ва экологик таҳдидларни ҳал этиш, камбағаллик даражасини камайтириш, технологик тафовутларни қисқартириш ва инфратузил-

мани модернизация қилишга қаратилган миллий тараққиёт дастурларини фаол қўллаб-қувватлаш ҳақида бормоқда. Бунда кўп томонлама молия институтлари муҳим ўрин тутиши мумкин ва шарт. Ўзбекистон устувор инвестициявий ва ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш учун БРИКСнинг янги Тараққиёт банки билан яқин ҳамкорлик ўрнатиши режалаштирган.

Биз, шунингдек, инновация, рақамли иқтисодиёт, “яшил” тараққиёт ва энергетика, тўсиқларсиз электрон тижорат каби соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормыз.

БРИКС сунъий интеллект бўйича Тадқиқот гуруҳининг соҳадаги эҳтимолий ягона стандартларини ишлаб чиқишга оид ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларида иштирок этишни мўлжалламоқдамиз.

БРИКСнинг БМТнинг Санотнинг ривожланиши бўйича ташкилоти (ЮНИДО) хузурида ташкил этилаётган Компетенциялар марказига, шунингдек, таклиф этилаётган Инвестиция платформасига қўшилишга тайёрмыз.

БРИКСдаги шерикларимиз билан биргаликда транспорт соҳасидаги боғлиқликни кучайтириш, янги транспортнал йўлакларни яратиш, етказиб беришнинг ишончли логистика занжирларини шакллантириш, каботаж ташувлар тизимини ривожлантириш борасида яқиндан иш олиб бориш ниятидамыз.

Шунингдек, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгариш-

ларининг салбий оқибатларини бартараф этиш, соғлиқни сақлаш масалалари ҳам бизнинг эътиборимиз марказида бўлади.

Ташкилот доирасида ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Барча манфаатдор мамлакатларга БРИКСнинг Ишбилармонлар кенгашига қўшилиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Хурматли ҳамкасблар!

БРИКС маконида халқаро терроризм билан боғлиқ хавф ва таҳдидларга қарши курашиш масалалари, ҳеч шубҳасиз, шериклигимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Радикаллашув ва экстремистик ғояларнинг, аввало, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Яқин Шарқдаги тобора кескинлашиб бораётган можаро бизни ҳам ташвишга солмоқда. Бу минтақа қўшни мамлакатлар ва йирик давлатларнинг бу можарога тортилиши билан глобал инқирознинг йирик ўчоғига айланиб бормоқда.

Биз Ғаро ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожияни қалбимиздаги оғриқ

ҳисси билан қабул қилямыз. Тинч аҳоли, айниқса, болаларнинг беғуноҳ қурбон бўлишини ҳеч қандай сиёсий мақсадлар оқлай олмайди.

Бугунги кунда ўт оқибатини зудлик билан тўхтатиш ва жабрланганларга шовилчи ёрдам кўрсатиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир. Исроил — Фаластин муаммосининг ягона ечими — “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўлиб қолмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Глобал ва минтақавий хавфсизлик ҳақида гапирганда, Афғонистон муаммосини четлаб ўтиш мумкин эмас. Бизнинг умумий вазифамиз — ушбу мамлакатни яқкаллаш эмас, балки Афғонистон халқига ва унинг амалдаги ҳокимиятига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тинч қурилиш ва тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ёрдам кўрсатишдир.

Хурматли саммит иштирокчилари! Ўзбекистон барқарор тараққиётнинг умумий мақсадларига эришиш учун БРИКС мамлакатлари билан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Хурматли ички ишлар тизими ходимлари!

Қадри оғир ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Сиз, азизларни бугунги кутлуғ касб байрамининг билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қувончли айёмда сизларнинг халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги катта хизматларингизни яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Ҳозирги кунда “Барча ислоҳот ва ўзгаришлар — инсон қадрини улуғлаш учун” деган эзгу тамойил асосида бутун юртимизда фуқароларимиз учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини

яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни эл-юрт манфаатлари йўлида хизмат қилаётган халқчил ва профессионал тизимга айлантиришга қаратилган сазий-ҳаракатларимиз, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги йилларда барча маҳаллаларда хавфсиз, тинч ва осойишта муҳит яратиш, ҳудудларда илғор тажриба ва амалиётларни жорий этиш бўйича муҳим натижалар қўлга киритилаётганини таъкидлаш лозим.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, профилактика ишлари самардорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги алоҳида хизматлари, муқаддас қасамёдида содқ қилиб, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, соҳада профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодди Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Алматов Закиржон — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси

“Мардлик” ордени билан

Мардонкулов Нодиржон Қодиржонович (марҳум) — Фарғона вилояти Данғара тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Давоми 2-бетда

Менинг танловим — обод Ватаним!

ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

27 октябрь, яшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтади. Ушбу улкан сиёсий тадбирга қизгин тайёргарлик кўрилди.



Мамлакатимиз фуқаролари конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, сайловда эркин овоз бериши учун жойларда барча шароитлар яратилди. Ўзбекистон ҳудудида жами 11 минг 28 та, қирқта хорижий мамлакатда тузилган 57 та сайлов участкаси овоз бериш учун тайёрлаб қўйилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига “Менинг танловим — обод Ватаним!” шiori остида ўтадиган ушбу сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеадир.

Давоми 3-бетда

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДЛАРИ ЙЎЛИДА СТРАТЕГИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Хива туманининг Истиқлол маҳалласи намуна сифатида белгиланиб, шу асосда 314 та криминоген вазияти оғир маҳаллада рақамлаштириш жараёни тўлиқ амалга оширилди. Ёнма-ён жойлашган, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни кичик ҳудудларга ажратган ҳолда, уларда янгилаш иш услублари орқали жамоат тартибиди сақлаш бўйича Наманган шаҳар тажрибаси яратилди.

Профилактика, патруль-пост ва пробация хизматлари инспекторларининг фаолиятига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этиш, ходимларнинг билим даражасини ошириш орқали ҳудудларда хавфсиз муҳит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятида маҳаллалар жамоат қўлида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун кичик ҳажмдаги дронлардан фойдаланиш тажриба тариқасида йўлга қўйилди.

Энг муҳими, биз ёш авлодимизнинг соғлом ҳаёти ва келажagini таъминлаш учун гиёвандликнинг олдини олиш, ёшларда бундай воситаларга нисбатан кучли иммунитетни шакллантириш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасига, айниқса, интернет тармоқлари орқали тарқалишига чек қўйишга қаратилган миллий стратегиямизни қабул қилдик ва уни қатъий ижро этишга киришдик.

Ана шундай ислохотлар натижасида жиноятчиликни жилаш бўйича ёндашувлар тубдан ўзгарди. Ҳуқуқбузарлик содир этиши ёки ундан жабрланиши мумкин бўлган фуқароларни профилактика инспекторлари вақтида аниқлашлари ҳамда мавжуд муаммолар "маҳалла еттичилиги" томонидан самарали ҳал этилиши учун ижтимоий профилактика тизими ва унинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Жиноятчиликка оид тенденцияларни комплекс илмий ёндашувлар асосида аниқлаш, тизимлаштириш ва салбий омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги тизимида Ўзбекистон Криминология тадқиқот институти иш бошлади.

Қайд этиш лозимки, республикамызда тинчлик ва оқилолликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Мисол учун, Буюк Британиянинг Иқтисодиёт ва тинчлик институти томонидан ўтган йили эълон қилинган рейтинг кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 121 та мамлакатидан орасида энг хавфсиз давлат деб тан олинди. Бундай ютуқ бизга мамнуният бағишлаш билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди.

Азиз дўстлар! Тизим ходимларининг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий Ҳимоясини кучайтириш масаласи ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Бу жараёнда, аввало, олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ҳамда криминоген вазияти оғир бўлган туман ва маҳаллаларда хизмат қилаётган ходимлар меҳнатига алоҳида аҳамият берилиб, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитлари яратилмоқда.

Албатта, бутунги шиддатли тараққиёт асрида ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини инновацион ёндашувлар, рақамли технологиялар ва илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ташкил этиш — мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботи янада мустаҳкамлашни муҳим омили эканини сизлар яхши тушунаси.

Шунинг учун тизимда олиб борилаётган кенг қўламли ислохот ва янгиланишларини бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз. Жумладан, янги турдаги жамоатлар ҳамда ахборот воситалари ёрдамида содир

этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда таъсирчан механизмларни қўллаш, криминоген вазият бўйича "қизил" тоифада бўлиб келаётган маҳаллаларда илмий ёндашувлар асосида жиноятчиликни жилаш юзасидан манзилли иш олиб боришимиз, тергов сифатини ошириш орқали аҳоли ўртасида бу соҳада адолатга бўлган қатъий ишончнинг шакллантириши ҳамда лозим.

Мухтасар айтганда, ички ишлар тизимидаги ўзгаришларнинг амалий натижасини халқимиз ўз кундалик ҳаётида доимо сезиши, ҳис этиши шарт. Хурматли соҳа ходимлари!

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга ўз хизмат бурчингиз ва муқаддас қасамднингизга доимо содиқ қолиб, Ватанимиз ва халқимизга фидокорона хизмат қилиб келаётганингиз учун чин дилдан ташаккур билдираман. Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатингизни муносиб рағбатлантириш келгусида ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлади.

Ушбу кутлуг айёмда эл-юртимиз тинчлиги ва оқилолликни йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур соҳа ходимларининг хотирасини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этиб, уларнинг оилалари ва фарзандларига байрам табригимиз ва эзгу тилақларимизни йўлаймиз.

Сизларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари қуни билан яна бир бор самимий кутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга бахт-саодат, тинчлик ва файзу барака, масъулиятга фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

"Дўстлик" ордени билан

Горбацевич Виктория Александровна — Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ички ишлар бошқармаси хузуридаги тергов бўлими катта терговчиси

"Жасорат" медали билан

Муродов Журабек Мухаммадиевич — Самарқанд вилояти Оқдара тумани ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари

Сурров Шерзод Рахматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Аскарлов Уктам Бахромович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиги

Қодиров Сайидқабар Махаматсодиқович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Қўшбармоқов Улугбек Сангирқуллович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий тергов хизматининг ходими

Мирсаидов Дилмурод Мирхамдамович — Тошкент шаҳар Учтепа тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги

Муйдинова Гулнора Тошпулатовна — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бош эксперти

Сайидов Нодирбек Баходирович — Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими бошлиги

Хожиева Мархабо Хикматиллаевна — Навоий шаҳар ички ишлар бошқармаси хузуридаги тергов бўлими катта терговчиси

Худайров Низомжон Ражаббаевич — Хоразм вилояти Хонқа тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Адилова Гулшод Пулатовна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тиббиёт бўлими бош шифокори

"Шухрат" медали билан

Алибоев Маматали Ҳазратқуллович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2024 йил 23 октябрь

хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Дустов Зафар Абирович — Жиззах вилояти Арнасай тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари

Индиаминов Фаррух Нуриддинович — Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 8-сон ички ишлар бўлими бошлиги

Қазақбаев Малик Пердебаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жамоат тартибиди сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати инспектори

Кучкаров Турғун Раҳимбаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиги ўринбосари — ички ишлар органлари фаолиятини услубий таъминлаш маркази бошлиги

Қосимов Уткирбек Соибжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиги

Ниязов Феруз Жуманазарович — Қашқадарё вилояти Қарши тумани ички ишлар бўлимининг 1-сон ички ишлар бўлими бошлиги

Хидиров Юсуфжон Илхомжонович — Наманган вилояти Транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиги

Ш. МИРЗИЁЕВ

25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари куни

ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ САОДАТИ



Азизжон ФАЙЗИЕВ,
подполковник

Ислохотлар — амалда

Кейинги йилларда юртимизда ички ишлар органлари ходимларини халққа яқинлаштириш, эл дарди ва ташвиш билан яшашига, хизмат қилишга қаратилган уланган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида "Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар" ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Маҳаллаларда яратилган "фуқаробай", "оилабай" ва "маҳаллабай" ишлаш тизими орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётган. Хусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш амалиёти жорий этилди.

"Хавфсиз маҳалла" ва "Хавфсиз ҳудуд" тамойиллари асосида ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари қисқа вақт ичида ижобий натижасини бераётгани биз учун катта аҳамиятга эга. Айниқса, ҳудудларда криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг динамикаси ҳамда содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва "илмий ташхислаш" орқали жиноятчиликни прогноزلаш ва унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жиноятчилик аҳолидан келиб чиқиб, туман, шаҳар ва маҳаллалар тоифаларга ажратилиб, ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда "жиноят ўчоқлари"ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситалар жалб қилиниши орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш чоралари қўйилляпти.

Ички ишлар органлари ходимлари имжини яхшилаш, масъулият ва касбий салоҳиятини юксалтириш бўйича ҳам қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун уларда зарур кўникмалар шакллантирилляпти. Соҳани тўлиқ рақамлаштириш йўналишида муҳим қадамлар қўйилди.

Маънавиятли, ватанпарвар, садоқатли

Юртимизда маънавий-маърифий ислохотларга давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Барча соҳалар сингари ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида ҳам маънавий-маърифий ишларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш, ходимларнинг билим савиясини янада юксалтириш, маънавиятли, ватанпарвар, касбига садоқатли ва фидойи ходимларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси асосидаги "Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз!" концептуал гояси соҳа ходимларининг хизмат бурчини бажариш борасида қатъий ҳаётий эътиқодини қарор топтириш, уларнинг ватан ва халқ тақдирига, давлатимиз ҳамда ислохотлар талабларига дахлдорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жамиятда китобнинг маънавий ҳамда ахлоқий озуқа, маданият ва тил равнақи учун асосий манба, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган интеллектуал мерос сифатида мавқеи ҳамда аҳамиятини сақлаш ва ҳатто тиклашга ҳэтиб сезилляпти. Хусусан, ички ишлар органларида китоб ярамкарлари, "Зукко китобхон" танловлари ўтказилиши ходимлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, уларнинг китобга қизиқини рағбатлантиришида муҳим омили бўлмоқда.

Ички ишлар органларида ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий

мақсад, деб биладиган ватанпарвар ходимлар жуда кўп. Айнан шундай ходимлар ва уларнинг фидокорона хизматлари туфайли тизимда маънавиятнинг барқарорлиги бардавондир.

Ички ишлар ходимларига қўйилган асосий талаблар қаторида Касбий маданият ва хизмат интизомини кодексидан муомала маданиятига риоя этиш, мурожаат қилган шахсни эътибор билан тинглаш, қўполлик ва лоқайдликка нисбатан мурокасиз муносабатда бўлиш, ҳолатга ҳолисона ва виждонан ёндашиш орқали шахсий намуна кўрсатиш ҳам белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, асосий мақсад ички ишлар органларини халқчил тузилмага айлантириш, тизимда ўз келажagini янгилаш қарайдиган, ватанга ва хизмат бурчига садоқат руҳида тарбияланаётган, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт қақнаб турган ташаббускор ва фидойи кадрларни тайёрлашдир.

Шараф деган сўзга шон берган ҳам сиз

Осойишталик посбонларини хизмат бурчига садоқат, ватанпарварлик, ҳалоллик руҳида тарбиялаш, юқори касбий ва жанговар тайёргарликка эга бўлишига эришиш вазирлик раҳбариятининг доимий диққат марказида. Тизимдаги туб ислохотлар собитқадамлик билан давом эттирилмоқда. Натижада ходимларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди, айтиш пайтада масъулият ҳам ошди, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий томондан ҳилмоялаш асослари яратилди. Бугунги кунда ички ишлар органларининг фаолиятини

Бундай шарафда тенг ҳуқуқлик, блоклардан ҳолилик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, суверенитетга ва ўзининг мустақил тараққиёт йўлига эга бўлиш ҳуқуқига ҳурмат каби тамойилларга асосланиб ҳаракат қилаётган БРИКС ўзини кўп томонлама ҳамкорлик ҳамда шерикликнинг нуфузли ва ривожланиб бораётган тузилмаси сифатида намоян бўлмоқда.

Ўзбекистон етакчиси ўзаро алоқаларнинг бундай модели БМТнинг марказий ролини сақлаган ҳолда жаҳон тартибидининг бутунини кўра адолатлироқ янги архитектурасини шакллантириш учун мустаҳкам асос бўлиши мумкинлигига ишонч билдирди.

Геосиёсий рақобат, миллий эгоизм ва мафкуравий қўллардан холи бўлган, конструктив мулоқот йўли билан глобал муроасага эришиш бўйича янтраган даъватлар қўллаб-қувватланди.

— Жаҳондаги бошқарув институтиларини ислоҳ қилиш ҳамда "Жануб — Жануб" ва "Шимол — Жануб" форматларидаги масъулиятли мулоқотларни кенгайтиришнинг вақти келди, деб ҳисоблаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон БРИКС давлатлари билан шериклик алоқаларини бундан буён ҳам фаол қурулаштириш, ушбу бирлашма доирасида очилаётган янги имкониятлардан самарали фойдаланиш ниятида экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари БРИКС мамлакатларининг глобал тенгсизлик ва иқтисодий инклюзив йўл билан қайта тиклаш муаммоларини ҳал этиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фундаментал содиқлигини қўллаб-қувватлади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон устувор инвестициявий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун БРИКСнинг янги Тараққиёт банки билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиши режалаштирган ҳамда инновация, рақамли иқтисодиёт, "яшил" тараққиёт ва энергетика, тўсиқларсиз электрон тижорат каби соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор.

Шунингдек, Ўзбекистон БРИКС сунъий интеллект бўйича Тадқиқот гуруҳининг кўшма лойиҳаларида иштирок этиш, ЮНИДО хузурида ташкил этилаётган Компетенциялар марказига, шунингдек, таклиф этилаётган Инвестиция платформасига қўшилиш ниятида.

Президентимиз Ўзбекистон БРИКСдаги шериклари билан биргаликда транспорт соҳасидаги боғлиқликни кучайтириш, янги трансконтинентал йўлакларни яратиш, етказиб беришнинг ишончли логистика заنجирларини шакллантириш, каботаж ташувлар тизимини ривожлантириш борасида яқиндан иш олиб боришга тайёргилини билдирди.

Озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини бартараф этиш, соғлиқни сақлаш масалаларида ҳам ҳамкорлик қилиш муҳим экани қайд этилди.

Ташкилот доирасида ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаб, давлатимиз раҳбари барча манфаатдор мамлакатларга БРИКСнинг Ишбилармонлар кенгашига қўшилиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этди.

Халқаро терроризм билан боғлиқ хавф ва таҳдидларга қарши курашиш ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон раҳбари радикаллашув ва экстремистик гояларнинг, аввало, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Яқин Шарқдаги можаро тобора кескинлашиб бораётгани, бу минтақа қўшни мамлакатлар ва йирик давлатларнинг бу можарога тортилиши билан глобал инқирознинг йирик ўчоғига айланаб бораётгани алоҳида ташвиш билан қайд этилди.

— Биз Габо ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожиани қалбимиздаги оғриқ ҳисси билан қабул қилляпти. Тинч аҳоли, айниқса, болаларнинг бегуно қурбон бўлишини ҳеч қандай сиёсий мақсадлар оқлай олмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бутунги кунда ўт оқини зудлик билан тўхтатиш ва жабрланганларга шовилчин ёрдам кўрсатиш кекичтириб бўлмайдиган вазибалар экани таъкидланди.

— Исроил — Фаластин муаммосининг ягона ечими — "икки халқ учун икки давлат" тамойили асосида можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўлиб қолмоқда, — деди Президент.

Афғонистон муаммосида тўхталиб, давлатимиз раҳбари ушбу мамлакатни яқкалаш эмас, балки Афғонистон халқига ва унинг амалдаги ҳокимияти ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, тинч қурилиш ва тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш умумий вазифа эканини қайд этди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон етакчиси барқарор тараққиётнинг умумий мақсадларига эришиш учун БРИКС мамлакатлари билан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёргилини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БРИКС саммити доирасида Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Фам Минь Тинь билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий алоқаларни, айниқса, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳукуматларо ва идораларо мулоқотларга тизимли тус бериш зарурлиги таъкидланди. Томонлар келгуси йил бошида Ханой шаҳрида Савдо-иқтисодий масалалар бўйича кўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини, шунингдек, бизнес форуми ва санаот кўргазмасини ўтказишга келишиб олдилар.

Янги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида нефть-кимё, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда санаот кооперациясини ривожлантириш дастурини тайёрлаш таклиф этилди. Ишбилармонлик ва сайёҳлик алоқаларини, шу жумладан, визасиз тартиб жорий этиш орқали кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий ва юқори даражадаги учрашувлар жадвали кўриб чиқилди. Бош вазири Фам Минь Тинь Ўзбекистон Президентини расмий ташриф билан Вьетнамга келишга таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Қозон шаҳрига амалий ташрифи якунланди.



янада такомиллаштириш мақсадида шахсий таркиб зиммасига юклатилган вазибаларни бажаришга лаёқатли, маънавий етуқ, руҳий ва жисмоний жиҳатдан баркамол, малакали ходимлар билан жамлаш чоралари кўрилмоқда.

Айтиш пайтада ички ишлар органлари тизимида "Энг яхши профилактика инспектори", "Энг яхши терговчи", "Энг яхши тезкор ходим", "Энг яхши ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи", "Энг яхши китобхон", "Энг яхши мураббий", "Энг яхши фаол фахрий", "Энг яхши эксперт", "Энг яхши маънавий-маърифий ишлар тарғиботчиси" каби ўнлаб танловлар анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. Ушбу танловларда ўз касбининг моҳир усталари кашф этилмоқда.

Шахсий таркибнинг касб маҳоратини юксалтириш, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини доимий ошириб бориш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Замон талаблари асосида барпо этилган спорт зали, қўл жанги зали, тренажёр хоналари, ўқ отиш тирни, хизмат ўқув хонаси ва тест марказлари ходимлар ихтиёрида. Жанговар ўқотар қўролларни билиш, уларни таркибий қислар, тўлиқсиз

Менинг танловим — обод Ватаним!

ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ



Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Сайлов — бир кунда ўтадиган сиёсий тадбир. Унга тайёргарлик эса ойлار, ҳатто йиллар мобайнида давом этадиган гоят масъулиятли жараян. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу йилги сайловга тайёргарлик сайлов кампанияси эълон қилинган кундан анча аввал бошланганини таъкидлаш ўринли.

Янги Ўзбекистонда халқ фаровонлигини янада юксалтириш, демократик ислохотларни модернизация қилиш мақсадида парламент ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сайлов ва референдумларни ўтказиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли, изчил ва юксак самарали ўзгаришлар юз бермоқда. Халқимиз меҳрини қозongan қатъий сиёсий ирода ва дадиллик халқро стандартларга мувофиқ кечаётган кенг кўламли ислохотларга янада изчиллик ва юксак суръат бағишламоқда.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Ушбу ўзгаришлар самарасида миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар ваколатлари кенгайтирилиб, фаолиятидаги демократик тамойиллар янада мустаҳкамланди. Бу эса аҳолининг парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ва сайлов жараёнига қизиқишини сезиларли даражада оширган жорий йилдаги сайлов кампаниясида яққол сезилди.

2023 йил 18 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонунга биноан мамлакатимиз сайлов қонунчилигига қатор янги нормалар киритилди.

Мазкур конституциявий қонун билан сайлов қонунчилигини қиритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларга биноан, бу йилги сайловда юртимиз тарихида биринчи марта аралаш сайлов тизими синовдан ўтди. У Қонунчилик палатаси депутатларининг 50 фоизини бир мандатли сайлов округларидан мажоритар тизим бўйича, қолган 50 фоизини эса партия рўйхати бўйича пропорционал тизим орқали сайлаш имконини беради. Ушбу ўзгариш индивидуал вакиллик билан партия мафазатлари ўртасидаги мувозанатни ўйғунлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Миллий сайлов комиссиялари тизими давр талаби ва демократик тамойиллар асосида такомиллаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида домий асосда фаолият юритилган ҳудудий сайлов комиссиялари тизими.

Қайд этиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳудудий сайлов комиссиялари ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси амалга оширади.

Сайловга тайёргарликнинг муҳим босқичи — конституциявий қонун талабларидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссиясининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўла ҳатловдан ўтказилди. Унга яқин нисом, йўриқнома ҳамда бошқа ҳужжатлар янгидан ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, айримларига зарур ўзгаришлар киритилиб, ижрога қаратилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Конституция ва Сайлов кодексига белгиланган мuddатлардан келиб чиқиб, 26 июлдан Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампаниясига старт берилиб, календарь режа тасдиқланди.

Буларнинг барчаси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни юксак демократик

тамойиллар даражасида ташкил этиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирокини таъминлаш учун кенг шароитлар яратиш имконини берди.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Миллий сайлов тизимига замонавий ахборот технологияларининг тобора кенг жорий этилаётгани сайлов жараёнларининг барча иштирокчилари учун янги қулайликлар яратиб, ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Бу йилги сайловда “Е-saylov” ахборот тизими ишга туширилиши шундай муҳим янгиликлардан бири бўлди. Ушбу замонавий тизим ёрдамида сайлов жараёнининг кўпқаб тартиб-таомиллари рақамлаштирилиб, бюрократик тўсиқлари кескин камайтирилди ва шаффофлиги оширилди. Тизим бошқа электрон платформалар билан интеграция қилинган сайлов жараёнларининг автоматлаштирилиши ва сайловга оид маълумотларни реал вақт режимда олиш, алмашиш имконини бермоқда.

Бешта сиёсий партия томонидан барча даражадаги депутатлик ўринларига 100 фоз номзодлар кўрсатилди. Бунда “Е-saylov” интерактив портали ишга туширилгани муҳим аҳамият касб этди. Бу тизим орқали сиёсий партиялар номзодларининг қонунчилик талабларига мослиги ҳолати бўйича сайлов комиссиялари билан тезкор ишлаш имкониятига эга бўлди.

“Е-saylov” тизими сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида афзаллиги ва қулайлигини тўла намоён этиб улгурди. Сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган жами 29 минг 350 нафар депутатликка номзоднинг мобил телефонига улар тегишли вакиллик органи сайлови бўйича депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган, “Е-saylov” тизими ёрдамида ишончли вакилларини рўйхатдан ўтказиши мумкинлиги ва сайловдаги ташвиқоти бошлангани ҳамда мuddатлари тўғрисида хабарномалар юборилди.

Бундан ташқари, сайловдаги ташвиқоти даврида депутатликка номзодларга сайлов жараёни билан боғлиқ ўнга яқин бошқа СМС хабарнома юборилди. Шунингдек, сиёсий партиялардан кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари “Е-saylov” тизими орқали рўйхатдан ўтказилди ҳамда гувоҳномалари тизимда автоматик тарзда шакллантирилди ва эгаларига юборилди.

Янги ахборот тизимида фуқаролар учун ҳам сайловга оид ахборотларни олишда қўлқўлаб қулайликлар яратилди. Хусусан, мазкур тизим сайловчилар ва сайлов участкаларига оид статистик маълумотларни олиш, барча турдаги сайловлар бўйича депутатликка номзодлар ҳақида ахборотга эга бўлиш, интерактив хабаротлар депутатликка номзодлар ва уларнинг таржимаи ҳоли билан танишиш имконини беради.

Бу йилги сайловда Тошкент шаҳридаги ўнга сайлов участкасида сайлов куни электрон овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишнинг таъриб-синов тартибига жорий этилиши ҳам муҳим янгиликлардан бири. Электрон овоз бериш тартиби синаб кўриладиган сайлов участкаларида сайловчилар овоз беришининг аниъанани ўқи электрон шаклини мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

Сайлов куни сайлов жараёнини реал вақт режимда (онлайн) видеотрансляция қилиш мақсадида барча туман ва шаҳарлар ҳудудига жойлашган муайян сайлов участкаларида видеокамералар ўрнатилди.

Бу Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказидаги экранларда, saylov.uz расмий веб-сайтида ҳамда Миллий телерадиокорпорациянинг “O‘zbekiston-24” ва бошқа телеканалларида овоз бериш жараёнини онлайн кузатиш имконини беради.

БИРИНЧИ МАРТА

Хотин-қизларнинг давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, сайлов

Сайлов куни ОВОЗ БЕРИШ УЧУН ФУҚАРО САЙЛОВ УЧТАКСИГА БОРИБ, УЧТАКСА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОСИГА ШАХСИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТИНИ КўРСАТАДИ ҲАМДА САЙЛОВЧИЛАР РўЙХАТИГА ИМЗО ҚўЯДИ. Шундан кейин унга Сайлов бюллетени берилади. Айрим Сайловчилар соғлиғи ҳолатига ёки бошқа САБАБЛАРГА КўРА ОВОЗ БЕРИШ БИНОСИГА КЕЛА ОЛМАГАН ҲОЛЛАРДА ТЕГИШЛИ УЧТАКСА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ОВОЗ БЕРИШНИ УШБУ САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ИЛТИМОСИГА БИНОАН УЛАР ТУРГАН ЖОЙДА ТАШКИЛ ЭТИШИ МУМКИН.

ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидандир.

Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган жами 875 нафар номзод орасида аёллар 391 нафарини ёки 44,7 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатимиз миллий сайлов тизими тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳарлар) кенгашларида депутатлик мандатлари учун сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган жами 28 минг 475 номзоднинг 42,5 фоизи хотин-қизлардир.



Номзод кўрсатишда сиёсий партиялар инклюзивликка ҳам алоҳида эътибор қаратганини кузатиш мумкин. Жумладан, Қонунчилик палатаси сайлови бўйича депутатликка номзодлар сафида ногиронлиги бўлган 11 нафар ва маҳаллий кенгашлар сайлови бўйича депутатликка номзодлар орасида 605 нафар шахс бор. Бундай юқори даражадаги инклюзивлик ҳам биринчи мартаба кузатишмоқда.

КУЧЛИ РАҚОБАТ

Сайлов — ҳар доим ғоялар, лойиҳалар, шахслар ўртасидаги рақобат. Аралаш сайлов тизими жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятимиздаги

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 27 ОКТЯБРЬ КУНИ СОАТ 8:00 ДАН 20:00 ГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

демократик муҳитга янги қувват бағишлагани сайловдаги ташвиқоти давомида яққол сезилди. Сайловдаги ташвиқоти сайлов кампанияси даврида амалга оширилган ва сайловчиларнинг номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

Номзодларнинг рўйхатга олиш учун белгиланган охириги кунининг эртасидан, яъни 22 сентябрдан эътиборан бошланган сайловда ташвиқоти бутун нихосига етади. Эрта — сукунат кун. Зеро, Сайлов кодексига биноан, сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар ва номзодларнинг ташвиқот тадбирлари оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация, интернет жаҳон ахборот тармоғи, босма, кўргазма, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари (плакатлар, варақалар ва бошқа материаллар) чиқариш ҳамда тарқатиш, теледебатлар ва сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилди.

Марказий сайлов комиссияси қарори билан депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING РАСМИЙ SAYLOV.UZ ВЕБ-САЙТИГА ЖАМИ 11 МИНГ 758 ТА АХБОРОТ, САЙЛОВГА ОИД ВИДЕОДАРСЛАР БЎЛИМИГА 11 ТА ВИДЕОДАРС, ШУНИНГДЕК, “SAYLOV — 2024” РУКНИГА САЙЛОВГА ДОИР БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛДИ.

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК

Марказий сайлов комиссияси ва барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини ҳамisha очиклик, ошкоралик ва шаффофлик тамойиллари биноан ташкил этиб келмоқда. Бунинг оддий мисоли Марказий сайлов комиссияси хузурида ўз ҳудудий бўлиmlарига эга матбуот маркази фаолияти йўлга қўйилганлиги.

Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча мажлислари ижтимоий тармоқлар орқали сурдо таржима билан жонли эфирга узатиб борилмоқда. Сайловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг расмий saylov.uz веб-сайтига жами 11 минг 758 та ахборот, сайловга оид видеодарслар бўлимига 11 та видеодарс, шунингдек, “Saylov — 2024” рукнига сайловга доир барча маълумотлар жойлаштирилди.

Ҳудудий сайлов комиссияларининг расмий веб-сайтига 1207 та ахборот жойлаштирилди. Шунингдек, сайлов кампаниясига ҳамда сайловчиларнинг сайловга жалб қилишга доир телевидео ва телеграм каналлар, босма ва интернет нашрлар, бошқа ижтимоий тармоқларда

ушбу ахборот материаллари эълон қилинди. Сайловчиларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови куни, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар ҳақида хабардор қилишга қаратилган ҳамда сайловда фаол иштирок этишга чакирувчи турли ўлчамлардаги 716 мингдан кўпроқ нусхадаги плакат нашр этилди, аҳоли гулроқ жойларга ўрнатилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз бўйлаб мингта яқин билборда беш хил намунадаги чорлов баннерлари жойлаштирилди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги метро бекатлари, метро вагонлари ҳамда автобус салонларида чакирувчи акт этирилган видеороликлар жойланди.

Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳоли учун бепул 1200 қисқа рақамли ва хорижда истиқомат қилувчи фуқаролар учун 55-500-12-00 рақамли тезкор ахборот бериш маркази (кол-марказ) ташкил этилди.

Кол-марказ орқали фуқароларга овоз бериш участкасини аниқлаш ва сайловга оид бошқа қўлқўлаб маълумотларни ўзбек, қорақалпоқ, рус ҳамда инглиз тилларида олиш имконияти яратилган.

Фуқаролар, сайлов ташкилотчилари журналистлардан ташуаётган барча мурожаатларга Марказий сайлов комиссиясининг масъул ходимлари, сайлов бўйича етакчи экспертлар ва ҳуқуқшунос олимлардан иборат навбатчилар гуруҳи томонидан ўз вақтида малакали жавоблар берилмоқда. Мурожаатларнинг бирортаси эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик жараёнида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг алоҳида эътиборларига ҳамisha жиддий эътибор қаратиб келади. Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ҳам амалий ифодасини топмоқда.

Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашда қўшимча шароит ва имкониятлар яратишга доир мадда МСК мажлисидаги муҳокама қилинганда, мамлакатимиздаги туртта нодавлат нотижорат ташкилот — Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Қўзи оқишлар жамияти, Карлар жамияти ва Ногиронлар ассоциациясидан вакиллар иштирок этди.

Қўзи оқиш ва заиф кўрувчи фуқаролар сайлов бюллетенларида ўз хоҳиш-иродасини мустақил ифода эти олиши учун ҳар бир сайлов

участкиси сайлов бюллетенларини брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар билан таъминланди.

Сайлов участкаларида ногиронлиги бўлган учун махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабиномлари ўрнатилди. Сайлов участкаларида кўзи оқиш ва заиф кўрувчи сайловчилар учун оптик лупалар (катталаштирувчи ойналар) ҳамда ёриткичлар бўлиши таъминланди.

Сайлов жараёнларида очиклик ва ошкораликни таъминлашда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, жумладан, сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари, журналистлар, жумладан, хорижий журналистлар кузатиб боради.

Ўзбекистон Республикаси парламенти сайловда жами 847 нафар хорижий (халқаро) кузатувчи, жумладан, йигирма иккита нуфузли халқаро ташкилотдан, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси, МДХ ва МДХ Парламентларари Ассамблеяси, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалардан жами 559 нафар, хорижий давлатларнинг йигирмата сайлов органидан 45 нафар, дунёнинг 43 давлатидан 243 нафар хорижий (халқаро) кузатувчи аккредитациядан ўтказилди.

Айни пайтда сиёсий партиялардан 54,7 минг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан 7,7 минг кузатувчи сайловни бевосита кузатиб боради. Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг жами 1068 вакили аккредитациядан ўтказилди.

ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ

Сайлов қонунчилигига биноан, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган ёки бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайловда иштирок этишга тўла ҳақлидир.

Сайловчиларнинг рўйхати Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида мавжуд Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига асосан сайлов участкалари кесимида шакллантирилди. Бир сайловчи фақат битта сайловчи рўйхатига киритилди. Сайловчилар ягона электрон рўйхатига 20 миллиондан зиёд сайловчи киритилди. Сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгаришчи бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш тартиби йўлга қўйилди. Сайловчилар рўйхати сайловга 15 кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилди. Сайловчилар участка сайлов комиссиясини биносида Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти (saylov.uz), Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали сайловчилар рўйхати билан танишиши мумкин.

Миллий сайлов қонунчилигимизга биноан, сайлов куни ўз ашаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Мuddатидан олдин овоз бериш жорий йилнинг 16-23 октябрь кунлари бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловда овоз бериш жорий йилнинг 27 октябрь куни соат 8:00 дан 20:00 гача ўтказилади.

Сайлов куни овоз бериш учун фуқаро сайлов участкасига бориб, участка сайлов комиссияси аъзосига шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Айрим сайловчилар соғлиғи ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этиши мумкин.

Сайловчилардан овоз бериш жараёнида қўйиладиган алоҳида эътибор қаратишни сўраимиз: 27 октябрь куни мамлакатимизда уч турдаги сайлов бир вақтида ўтказилади.

- 1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови; 2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари депутатлари сайлови; 3. Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайлови.

Бу йилги сайловда сайловчиларга овоз бериш учун турт турдаги сайлов бюллетенлари берилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир бир мандатли сайлов округи бўйича сайлов бюллетени;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир ягона сайлов округи бўйича сайлов бюллетени.

Мазкур сайлов бюллетенига сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг номи, раъий белгиси ўларнинг сайловда иштирок этиши учун иқозат беришга навбатига мувофиқ кетма-кетликда, яъни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси киритилди.

3. Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳри кенгаши депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени;

4. Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгаши депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени.

Ушбу сайлов комиссиясида соат 20:00 да овоз бериш тугагани эълон қилинади ва сайлов бюллетенлар кўриш овозлар санаб чиқилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов яқунларига кўра Марказий сайлов комиссиясининг қарори сайловдан кейин 10 кундан кечиктирмай қабул қилинади, Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

Сайловда бир мандатли сайлов округлари бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоз овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади.

Маҳаллий кузатувчилар, сайловчи-фуқаролар, сайловнинг бошқа иштирокчилари бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали сайлов комиссияларига ариза, тақлиф ва шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ

Сайловни юқори савияда ташкил этишда сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти ҳамда халқро сайловга оид стандартлар бўйича билан ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Каскад усулида эг босқичли ўқув-амалиёт машулотлари ташкил этилиб, сайлов комиссияси аъзолари, тренерлар ва операторлардан 120 мингдан ортигининг сайлов қонунчилиги бўйича малакаси оширилди.

Барча даражадаги сайлов комиссиялари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш жараёнида ўз ишини Сайлов кодекси талабларига биноан, қонунчилик, мустақиллик, холислик, очиклик, ошкоралик ҳамда адолат тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этиб келаётди.

Экспертлар ва журналистлар жорий йилдаги сайлов ҳақида фикр юритар экан, жамоатчилик ўртасида “креатив”, яъни “ижодий” деган сўз тилга олинаётганига эътибор қаратмоқда. Бу жамиятимизнинг барча бўгинларида ишга ижодий ёндашув мустаҳкам қарор топаётганидан далолатдир. Ушбу сўзининг замирида “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясининг амалдаги рўйиби, жамиятимиз, халқимиз ҳаётидаги микёси кенг, самаралари юксак ўзгаришларга, ёрқин келажакка улкан умид ва дахлдорлик туйғуси муассас.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Албатта, биз турли сиёсий партияларга мансуб бўлишимиз, турли гоя ва қарашлар тарафдор бўлишимиз мумкин. Демократия дегани ҳам аслида шу. Аммо моҳият эътибор билан қараганда, барчамизнинг, бутун Ўзбекистон халқининг мақсади бир. Бизнинг барчамизнинг Ватан, эл-юрт мафазати бирлаштиради”.

27 октябрь, яқинда кун бўлиб ўтадиган сайловда ҳам халқимиз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, ватанимизнинг порлоқ истиқболи учун овоз беради. Бу улкан имконият “Менинг танловим — обод Ватаним!” эзгу ғоясининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлади. Мен барча сайловчиларини сайловда фаол овоз беришга чакирман! Зеро, эл-юртимиз тақдирини учун ҳар биримиз масъулмиз.



КУЗАТУВЧИЛИК ИНСТИТУТИ

сайловлар ошкоралигини таъминлаш воситаси

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир барча тадбир, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга. Кузатувчининг мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир барча тадбир, жумладан, сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайлов қонунчилигини риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, кузатув институти сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда амалдаги миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга мувофиқ сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган “Сайловларни ташкил этиш бўйича тавсия”да кузатувчилар уч тоифага бўлинади:

биринчи, сиёсий партиялар, номзодлар тарафдори сифатида иштирок этадиган кузатувчилар;

иккинчи, сиёсий партиялар, номзодлар тарафдори сифатида иштирок этмайдиган мустақил кузатувчилар;

учинчи, халқаро кузатувчилар мақомидаги шахслар.

Ёки бўлмаса, хорижий (халқаро) кузатувчилар сайловларни ўрганиш муддатига кўра, узок мuddатли ва қисқа мuddатли кузатувчиларга таснифланади. Узок мuddатли кузатувчилар сайлов кунидан 6-8 ҳафта олдин, қисқа мuddатли кузатувчилар эса сайловдан 3-5 кун олдин ҳозир бўлади. Узок мuddатли кузатувчиларни ЕХХТнинг ДИИХБ, қисқа мuddатли кузатувчиларни эса давлатлар, халқаро ташкилотлар юборлади.

Бугун Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини қамраб олган инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ ҳужжатга қўшилган. БМТ, ЕХХТ, Европа кенгаши, Парламентлараро иттифок ва бошқа шу каби етакчи халқаро ташкилотлар ҳужжатлари акс эттирилган давлатнинг мажбуриятлари ва сайлов стандартлари имплементацияси асосида Ўзбекистонда миллий сайлов тизими шакллантирилди. Сайловни ўтказиш ва халқаро даражада кузатиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинди.

Мамлакатимизда ўтаётган сайловларда халқаро кузатувчиларнинг иштироки кўлами кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилги сайлов кампанияси давомида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тақлифига асосан, сайловни кузатишда 9 та халқаро ташкилот ва 41 та хорижий давлат вакилларидан иборат жами 825 чет эллик кузатувчи иштирок этган.

Ўзбекистонда ўтказилаётган сайловларда маҳаллий кузатувчилар иштироки ҳам кенгайиб бормоқда. 2019 йилгача сайловларда фақат сиёсий партиялардан кўрсатилган кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга эди. 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодексига илк бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кузатувчилар кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Халқаро кузатувчиларни аккредитациядан ўтказиш тартиби қандай?

Сайловда хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида иштирок этиш учун тақлиф этилган, шунингдек, бундай истакини изҳор этган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ўз кузатувчиларининг рўйхати, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари нусхаси, электрон фотосурати, анкета ва декларацияни тўлдирилган ҳолда Ташқи ишлар вазирлигига тақдим қилади. **Этибор қаратиш лозим:** тақдим этилган маълумотларнинг бутлиги (тўлиқлиги) ва тўғрилиги тақдим этувчининг ўзи масъулдир.

Шу билан бирга, аккредитация учун тақдим этилган ҳужжатлар талабларга жавоб бермаса, ҳужжатлар белгиланган мuddатдан кеч тақдим тилса, хорижий кузатувчи ёки унинг номзодини кўрсатган ташкилот фаолияти миллий қонунчиликка зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳақсизлиги ва миллий манфаатларига ҳафс солса, қонунчилигимизга мувофиқ аккредитация қилиш рад этилишига асос бўлади.

Сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгаришларга кўра, хорижий (халқаро) кузатувчилар “E-saylov” ахборот тизими орқали аккредитациядан ўтказилиши мумкин. Хорижий кузатувчиларга



Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ, Жамоат ҳавфсизлиги университети профессори, юридик фанлар доктори

мандатлар электрон шаклда “E-saylov” ахборот тизими орқали берилганда мандат МСК раиси томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Бу бўйича зарур тартиб-қоидалар Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 19 июлдаги қарори билан тасдиқланган “E-saylov” ахборот тизими регламенти билан тартибга солинган.

Маҳаллий кузатувчилар ҳужжати қандай расмийлаштирилади?

Сиёсий партия аъзоси ёки тарафдори ёхуд Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партияга хайрихоҳ 18 ёшга тўлган ҳар қандай фуқароси сиёсий партиядан кузатувчи бўлиши мумкин. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан Ўзбекистон фуқароси бўлган фуқаролар йиғини раиси, ўринбосари, маслаҳатчиси, шунингдек, фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахслари кузатувчи бўла олади.

Янги ўзгаришга кўра, кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига, вилоят, Тошкент шаҳри ҳудудий сайлов комиссиясига мурожаат этиш ҳамда ҳудудий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиш жараёни “E-saylov” ахборот тизими орқали амалга оширилиши мумкин. Кузатувчиларга мандатлар электрон шаклда “E-saylov” ахборот тизими орқали берилганда мандат ҳудудий сайлов

2019 йилги сайлов кампанияси давомида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тақлифига асосан сайловни кузатишда 9 та халқаро ташкилот ва 41 та хорижий давлат вакилларидан иборат жами 825 чет эллик кузатувчи иштирок этган.

комиссияси раиси томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Ҳудудий сайлов комиссияси сиёсий партия ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризасини олгандан кейин беш кун ичида қарор қабул қилади ва кузатувчи учун тегишинча шаклда мандат беради. Мандатда сиёсий партияни бошқа сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фарқлаш учун алоҳида белги билан (мандат ранги ёки бошқа) акс эттирилиши мумкин.

Кўйидаги ҳолларда кузатувчига мандат бериш рад этилиши мумкин:

- кузатувчиликка номзод 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса;
- сайловга ўн кундан кам мuddат қолганда мурожаат этилса;
- тегишли сайлов округи бўйича сиёсий партиядан номзод рўйхатга олинмаган бўлса (сиёсий партия кузатувчилари учун);

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси бўлмаса (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи кузатувчилари учун);

— ҳужжатлар нисом талаби бўйича тўлиқ тақдим этилмаса.

Мабодо тегишли сайлов комиссияси томонидан такрорий сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинса, кузатувчилар мандатининг амал қилиши тегишли мuddатга узайтирилади.

Кузатувчилар ваколати доирасида қандай ҳуқуқларга эга?

Сайлов жараёнида кузатувчилар муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Хатти-ҳаракатларида ман этувчи (чекловчи) талабларга риоя этиши лозим. Ҳуқуқ бор жойда мажбурият бўлгани сингари сайловчилар Сайлов кодексига, тегишли нисомда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни, белгиланган талабларни бажариши зарур.

Кузатувчилар ҳуқуқлари кўйидагилар:

- сайлов комиссиялари мажлисида ҳозир бўлиш;
- номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловчилар билан учрашувида иштирок этиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишлари бориши, яширин овоз бериш кабиналири ёки хоналари жойлаштирилиши ва сайлов кўнрали муҳралини, фуқароларнинг рўйхатга олиниши, уларга сайлов бюллетени берилишини кузатиш;
- сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш, мuddатидан олдин овоз бериш жараёни ўтказилмаган вақт ва жой ҳақида хабардор бўлиш ҳамда уни кузатиш;
- сайловчининг турган жойида унинг руҳсати билан овоз бериш жараёнини кузатиш;
- овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;
- сайлов жараёни ва овоз бериш яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамқоқда сақлаш ва озолиқдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);
- ҳарбий қисмларда, қамқоқда сақлаш ва озолиқдан маҳрум этиш жойларида

— барча даражадаги сайлов комиссиялари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кирганида МСК томонидан берилган мандатни шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга кўрсатиш;

— хулосаларни ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материаллар билан асослантириш. **Ман этувчи талаблар эса кўйидагилар:**

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинисиди ёки хонасида бўлиш;
- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирор-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар қандай овоз берганини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирор-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- сайлов комиссияси фаолиятига, жумладан, сайлов кўнралини муҳрали, очини, овозларни санаб чиқиш жараёнига аралашини;
- бирор-бир партия ёки номзодга тегишли рамзий тусдаги белгиларни тақиб ёки олиб юриш;
- сайлов куни ва овоз бериш бошлангичидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўрови натижаларини, сайлов натижаларини прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Хорижий (халқаро) кузатувчилар фаолияти кафолати

Хорижий (халқаро) кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бўлган вақтида давлатимиз ҳимоясида бўлади ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади. Қолаверса, Ташқи ишлар вазирлиги, МСҚ, ҳудудий, туман, шаҳар, округ, участка сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида хорижий (халқаро) кузатувчилар фаолиятига қўмаклашади.

Сайлов комиссиялари хорижий (халқаро) кузатувчини мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатига асосан рўйхатга



олгандан кейин унга ўз ваколатини тўлақонли ҳамда тўқсизликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради. Хорижий (халқаро) кузатувчилар фаолиятини мустақил амалга оширади.

Қолаверса, хорижий (халқаро) кузатувчилар мазкур нисомда белгиланган ваколатлари доирасидан четга чиқувчи фаолиятини амалга оширишга, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва сайлов кампанияси боришини кузатиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланишда мақомидан фойдаланишга ҳақли эмас. Хорижий (халқаро) кузатувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларини бузса, МСК хорижий (халқаро) кузатувчи ваколатларини мuddатидан илгари тугатиши мумкин.

Миллий қонунчилигимизда кузатувчилар фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик асослари белгиланган. Бу ҳам уларнинг самарали фаолияти учун муҳим ҳуқуқий кафолатдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 514-моддасида кузатувчининг ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Кузатувчиларнинг сайловлардаги иштироки мазкур сиёсий жараёнларнинг адолатли, қонуний, очик ва шаффоф ўтишининг муҳим гаровидир. Бу борада халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган барча қоидалари, халқаро сайлов стандартлари асосида ишлаб чиқилган миллий қонунчилигимиз кузатувчилик институтининг комплекс тартибга солиб, кузатувчиларнинг сайлов жараёнидаги иштироки ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳуқуқий кафолати саналади. Ўз навбатида, кузатувчиларнинг ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланиб, белгиланган мажбуриятларга риоя этиши сайлов жараёнининг демократик принциплар асосида, очик ва ошқора ўтишига муносиб ҳисса қўшади.

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ – ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Сайлов қонунчилигига мувофиқ, сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганда ташвиқотга йўл қўйилмайди. Демак, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар 27 октябрь куни бўлиб ўтишини ҳисобга олсак, эртага мамлакатимизда сукунат куни.



Феруз ҲАКИМОВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети 1-босқич магистранти

Тўғри, сайлов кампаниясига старт берилганидан бошлаб ОАВ ва интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали бу йилги сайловларнинг янги — аралаш сайлов тизими асосида ўтиши, бу тизимнинг афзалликлари, айниқса, кейинги пайтларда сиёсий партияларнинг Сайловдиди дастуридан ўрин олган доллар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий масалаларга доир илгари суриладиган ташаббуслар кенг ёритилди. Лекин назаримда, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишдаги

Тўғри, сайлов кампаниясига старт берилганидан бошлаб ОАВ ва интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали бу йилги сайловларнинг янги — аралаш сайлов тизими асосида ўтиши, бу тизимнинг афзалликлари, айниқса, кейинги пайтларда сиёсий партияларнинг Сайловдиди дастуридан ўрин олган доллар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий масалаларга доир илгари суриладиган ташаббуслар кенг ёритилди. Лекин назаримда, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишдаги

Олтинчидан, сайлов янги тахрирдаги Конституцияда мустақамланган кучли парламентаризм ва жойларда вакиллик органларининг ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда бўлиб ўтади. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколати амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 12 тадан 18 тага кўпайтирилди. Парламентнинг ижро этувчи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кенгайтирилди.

ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими асосида ягона сайлов округида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати бўйича сайланади. Учтинчидан, миллий сайлов қонунчилигимиз илгор демократик стандартларга мос равишда тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, сайлов органларининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги янги тизими жорий этилди. Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар улуши камида 40 фоиз бўлиши белгиланди.

Тўртинчидан, депутатликка номзод сайланиши учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиши белгиланди. Унга кўра, номзод тегишли сайлов округида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган тақдирда депутат бўлиб сайланиши мумкин ва шу орқали такрорий овоз беришни ташкил этиш талаб этилмайди.

Аввалги сайловлардаги тартибга кўра эса овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпи (50+1), яъни мутлақ кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланган. Мазкур қоида бекор бўлди ва вакиллик органлари учун такрорий овоз бериш институти тугатилди. Бу билан такрорий сайлов ўтказиш учун сарфланган меҳнат ресурсларини камайтириш ва молиявий харажатларни тежаш имкони яратилди.

Бешинчидан, энди Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида 7 фоиз овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади. 7 фоиз овоз тўплай олмаган тақдирда ушбу сиёсий партияга Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари тақсимланмайди.

Олтинчидан, сайлов янги тахрирдаги Конституцияда мустақамланган кучли парламентаризм ва жойларда вакиллик органларининг ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда бўлиб ўтади. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколати амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 12 тадан 18 тага кўпайтирилди. Парламентнинг ижро этувчи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кенгайтирилди.

Ҳокимлар энди кенгашга раис бўлолмайди

Янги тахрирдаги Конституция, Сайлов кодекси ва сайловга доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ,

Икки кундан кейин бўлиб ўтадиган сайловда ҳар биримизнинг мустақил танловимиз, овозимиз жуда муҳим. Зеро, сайлов — мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараён. Унда аҳолининг фаол иштироки мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий омилдир.

аҳамиятидан келиб чиқиб, қолаверса, илк марта янги тахрирдаги Конституцияда белгилаб берилган мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда, парламент ва маҳаллий кенгашларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтаётгани ҳисобига сайлов ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди.

Ҳақиқатан бу йилги сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Шу ўринда табиий савол туғилади: булар нималарда кўринади?

Биринчидан, сайловлар янги конституциявий шароитда ўтказилади. Ўтган йили референдум асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциянинг 120-моддасида халқ депутатлари кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилиши, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгаши раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслигига оид янги норма мустақамланди. Маҳаллий кенгашлар билан боғлиқ ўзгаришлар аҳамиятидан келиб чиқиб, бунга атрафлича тўхталиб ўтамиз.

Иккинчидан, Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўринининг тенг ярми — 75 депутат мажоритар сайлов тизимига мувофиқ

халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан боғлиқ қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қарорларини бекор қилиш имконияти яратилди. Бу жараёнда қабул қилинадиган қарорлар қонунчиликка мувофиқ деб топилмаса, юқори турувчи органлар томонидан қайта кўриб чиқилади.

Ҳоким ва кенгашлар ваколатлари ажратилди. Энди ҳокимлар маҳаллий кенгашларга раислик қилиш ҳуқуқига эга эмас. Шу йилдан бошлаб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари кенгаши раиси лавозимини эгаллай олмайди. Ҳокимларга тааллуқли 33 та ваколат маҳаллий кенгашларга ўтказилди. Натижада маҳаллий кенгашлар мустақил қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка кўра, маҳаллий кенгашларга раислик қиладиган шахслар кенгаш депутатлари орасидан сайланади ва сурункасига икки мuddатдан ортиқ раис бўлиш ваколатига эга эмас. Қисқаси, икки кундан кейин бўлиб ўтадиган сайловда ҳар биримизнинг мустақил танловимиз, овозимиз жуда муҳим. Зеро, сайлов — мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараён. Унда аҳолининг фаол иштироки мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий омилдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ЮКСАК ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ



Меҳмет Сурейя ЭР, Туркий Парламент Ассамблеяси бош котиби

Иқтисодий ривожланиш, маданий юксалиш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериб, Ўзбекистон нафақат ўз халқининг турмуш даражасини оширишга, балки жаҳон саноатида фаол иштирокчи сифатида ўзини намойиш қилишга интиломоқда. Мазкур жараёнда, жумладан, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ҳамда кўпайтириш, санъат ва бадий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, халқни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустақамлаш, бебаҳо маданий меросни халқро миқёсда кенг тарғиб қилиш борасидаги сазой-ҳаракатлар алоҳида эътирофга лойиқ.

Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида тараққиётнинг мутлақо янги даврига қадам қўйди.

Мамлакатда қонун, демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган жамият барпо этиш йўлида кенг қамровли ислохотлар дастури амалга оширила бошланди. Ушбу улуғвор гоя қонун устуворлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти шаффофлигини ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи муҳит яратишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Республика бахшичилик санъати маркази, Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, Республика аския ва қизиқчилик санъати маркази, шунингдек, худудларда намунавий мақом ва бахшичилик ансамбллари ташкил этилгани эътирофга лойиқ.

Соҳага замонавий кадрларни етказиб бериш мақсадида қатор янги олий таълим муассасалари ташкил этилгани, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти

Бир жиҳатни айтиб ўтсам, Ўзбекистон қадимий тарихи ва бой маданиятини ўзида ифода этган бахшичилик санъатига эга. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва эътибори билан ушбу ноёб санъат тури қайта тикланди. Ҳатто бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани улкан муваффақиятдир. Мақом санъати, Наврўз, палов маданияти ва анъаналари, атлас ва



доим катта мамнуният билан қабул қиламан. Жорий йилда Жиззах вилоятининг маданият марказида бўлиб ўтган Халқаро мақом санъати анжумани, Самарқанднинг бетакор Регистон майдонида ташкил этилган “Шарқ тараоналари” халқаро мусиқа фестивалида қатнашиб, катта таассурот олдим. Ўзбекистон раҳбарининг кенг қамровли ва бой мазмунга эга нутқини эшитиб, кўплаб маълумотга эга бўлдим. Шавкат Мирзиёевнинг ҳар гал нуфузли тадбирларга ташриф буюрган меҳмонлар билан алоҳида кўришиб, суҳбатлашиб самимиятнинг ёрқин кўриниши деб биламан.

Энг муҳими, Ўзбекистон бундай ўзинга хос санъат байрамлари орқали нафақат маданияти, анъана ва қадриятларини дунё ҳамжамиятига намойиш этмоқда, балки жаҳон аҳлини тинчлик-тотувликка, қардошлиқ ва аҳилликка чорламоқда. Бугунги мураккаб даврда ушбу сазой-ҳаракатлар жуда муҳим ва эътирофга лойиқ.

Бу юрт, чиндан ҳам, табаруқ. Ҳар бир гўшасида буюк тарих бор. Хиванинг Ичан қалъаси қадимий шаҳар меъморичилигининг ажойиб намунасидир, Бухоронинг тарихий маркази эса ўзининг гўзал сақланган масжид ва мадрасалари орқали Ичан цивилизациясининг улуғворлигини акс эттиради. Амир Темур туғилиб ўсган Шаҳрисабзнинг кўҳна маркази муҳташам обидалари тимсолида буюк давлат арбоби барпо этган салтанат салобатидан сўзлайди гўё. “Маданиятлар чорраҳаси”, “Шарқ гавҳари” деган таърифлар билан тилга олинмаган Самарқанднинг Регистон майдони, Шох

Зинда мажмуаси каби диққатга сазовор жойлар Буюк ипак йўли руҳини акс эттиради. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг гўзал табияти, биологик хилма-хиллиги бу замин ноёб экологик ландшафтга эга эканини ҳам намойиш қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ва фаол қўллаб-қувватланган “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси яна бир ибратли ташаббусдир. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон заминиде яратилган, ҳозир мамлакатда ва бошқа қитъаларда музейлар ҳамда шахсий коллекцияларда сақланаётган дурдона асарлар — археологик артефактлар, ноёб миниатюралар акс эттирилган нодир қўлёзмалар, амалий санъатнинг турли намуналарини каталоглаштириш ва тадқиқ қилиш гоисига асосланган.

Бу орқали Ўзбекистон бой маданий меросини қайта тиклаш ва улуғлаш билан бирга, ўзининг тарихий қимматликларини жаҳон миқёсида янада кенг тарғиб қилишга эришяётгани қувонарли.

Ўзбекистон Президентининг минтақада ва унинг ташқирисиде тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиқни сақлашга қаратилган оқилона ташқи сиёсати бутун қалъа самаралар бермоқда. Марказий Осиёда мутлақо янги дўстона муҳит юзага келди. Қардошлар билан алоқалар барча йўналишда мустақамлашиб бормоқда. Бошқа мамлакатлар билан икки томонлама самарали ва конструктив ҳамкорлик, айниқса, халқаро ташкилотлар билан алоқалар кучайиб бораётгани ҳам диққатга сазовор. Бу ҳар қанча олқишга арзийди.

Ўзбекистон 2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлди. Туркий бирлики мустақамлашган ушбу муҳим воқеа туркий ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очди ва бу ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратди. Бугун Ўзбекистон туркий ҳамкорликнинг фаол аъзоси ва ҳаракатлантирувчи кучларидан.

Туркий ҳамкорлик тарихи, маданияти, тили, урф-одатлари ва қадриятлари муштарак бўлган қардош давлатларни бирлаштирган ноёб моделдир. Тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш мазкур ҳамкорликнинг муҳим мақсадларидан. Шу маънода, Ўзбекистоннинг халқаро маданий фаолияти, эришяётган ютуқ ва муваффақиятлари бутун туркий дунёнинг нуфузини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Туркий ҳамкорликнинг барча йўналишидаги ўзаро алоқалар туркий дунёда муваффақиятли интеграция жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Туркий Парламент Ассамблеяси (ТУРКПА) бу борада парламентларнинг ҳамкорлик платформасидир. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ТУРКПАга тўлақонли аъзо бўлиши туркий дунёда парламентаризм ва парламент дипломатиясини янада мустақамлаш, туркий давлатлар ўртасидеги муносабатларни ривожлантириш учун янги уфқлар очиши мумкин.

“Ўзбекистонда халқаро маданий мерос ҳафталиги” доирасида ташкил этилган “Янги Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳасидеги ислохотлар” мавзусидеги халқаро форумда иштирок этиб, кўп маълумот олдим. Анжуманда фикр-мулоҳазаларини билдирдим. Форум жуда юксак савияда ташкил этилди. Ўйлайманки, анжуман доирасиде илгари сурилган тақлифлар мазкур йўналишдаги сазой-ҳаракатларга янада суръат бағишлайди.

Маданий меросни асраб-авайлаш халқнинг ўзини ҳослиги ва тарихини сақлаб қолиш учун жуда муҳим. У ўтмиш ва бугун ўртасиде кўприк бўлиб хизмат қилади. Келажак авлодларга ўз илдишлари билан боғлиқ, қадриятлар ва анъаналарни тушуниш имконини беради. Бу бойликларни асраб-авайлаш орқали нафақат аждодларга ҳурмат намойиш қилинади, балки тобора глобаллашиб бораётган дунёда хилма-хиллик ва маданий мулоқот қўллаб-қувватланади.

Қардош Ўзбекистон халқига эса амалга ошираётган эзгу сазой-ҳаракатлариде доимо муваффақият ёр бўлишини тилайман.

БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Ҳафталик

Халқаро ҳамкорлик ташаббуслари ҳафталиги доирасиде бўлиб ўтган анжуманлардан бири эркин фуқаролик жамияти ва нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантириш мавзусиде бағишланди. Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази томонидан ташкил этилган анжуманда хоржий ва маҳаллий экспертлар, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий доиралар вакиллари, сиёсий партиялар фаоллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистоннинг демократик тараққиёт йўлидаги ислохотлари, айниқса, фуқаролик жамияти соҳасидеги туб ўзгаришлар, мамлакатимизнинг очиқлик ва шаффофлик борасидеги ютуқлари жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола этилди.

Юртимизда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий адолат ва барқарорлиқни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Фуқаролик жамияти ташкилотлари жамоатчиликни бирлаштириш ва фаоллаштириш, фуқароларни ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш орқали ижтимоий масъулиятни оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

Кейинги йилларда фуқаролик жамияти ва нодавлат ташкилотларнинг давлат органлари билан ҳамкорлиги сезиларли даражада кучайди. Ижтимоий-иқтисодий масалаларда ижтимоий шериклик тамойилининг жорий этилиши кўплаб муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини бермоқда.

Анжуманда юртимизда шу йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган парламент ва маҳаллий кенгашлар сайловига алоҳида эътибор қаратилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловнинг оил бор аралаш тизим асосиде ўтказилиши ва парламентга номзодлар орасиде аёллар улущининг 40 фоизгача оширилиши

демократик ислохотларнинг муҳим босқичи сифатиде баҳоланди. “E-saylov” электрон ахборот тизими жорий этилиши сайлов жараёнлари шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Бу тизим фуқароларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этиши ва назорат қилиши учун кенг имкониятлар яратиб, сайловнинг халқро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.



Хоржий мутахассислар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига алоҳида тўхталиб, ушбу ҳужжатда белгиланган халқро стандартларга мос келадиган таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимларини яратиш, адолатли ва замонавий давлат бошқарувини шакллантириш каби мақсадларни юксак баҳолади. Стратегиянинг амалга оширилиши Ўзбекистонни 2030 йилга келиб, дунёнинг энг тез ривожланаётган иқтисодийлари қаторига киритиши таъкидланди.

Конференция якунида иштирокчилар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича қатор муҳим тақлиф ва тавсияларни илгари сурди.

Ҳафталикнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, замонавий агротехнологиялар, сув ресурсларини тежаш, “яшил” тараққиёт, хавфсиз туризм масалаларига бағишланган йиғилишлари ҳам қизгин баҳс-мунозара ва қизиқарли фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.



Бугун дунё миқёсиде рўй бераётган иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ҳамда аҳоли сони ошиб бориши нафақат ривожланаётган, балки ривожланган давлатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек долзарб масалани кун тартибига қўймоқда. Бу борадаги асосий манба эса қишлоқ хўжалигидир. Шу боис, аграр соҳани ривожлантириш, чўлланни, қургўқчилик, деградация каби хавф-хатарларнинг олдини олиш инсониятни янгида янги инновациялар устиде бош қотиришга ундамоқда.

Аграр соҳа иқтисодийнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган Ўзбекистон учун ҳам бу масала муҳим. Шу боис, кейинги йилларда мазкур йўналишларда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Қишлоқ хўжалигиде бозор муносабатларини кенг жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш, соҳада агрокластерлар

ва кооперацияларни ташкил этиш ҳамда махсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Соҳада иш юритишнинг замонавий услуб ва илгор шакллари, жумладан, агрокластерлар, қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш самараси ўлароқ, юқори даромадли ва экспортбоқ махсулотлар етиштириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда. Шунингдек, ерни қайта фойдаланишга киритиш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилишни рағбатлантириш асосиде ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш юз бермоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Қишлоқ хўжалигиде бозор муносабатларини кенг жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш, соҳада агрокластерлар

шароитда ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 60 дан ошди.

Сув йўқотишларини камайитириш мақсадида 2030 йилга қадар бетон қопламали магистрал ва хўжаликларо каналлар улущини 20,5 минг километрга етказиш режалаштирилган. Шу билан бирга, кластерлар, фермерлар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ички сугориш тармоқларини бетонлаштиришга катта эътибор қаратилаяпти.

Электр энергияси харажатларини тежаш ҳам устувор йўналишлардан бири. Шу мақсадда жисмонан ва маънан эскирган насос станцияларини босқичма-босқич модернизациялаш ва алмаштириш, улардан фойдаланиш ва бошқаришни автоматлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга кўра, республикамиз бўйича 527 та насос станцияси босқичма-босқич модернизация қилинади ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва чанқум бўронларига қарши курашиш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасиде 646 миллион туп дарехт ва бута экилди. Республикамызда 14 та янги муҳофизат этиладиган табиий ҳудуд ташкил этилиб, умумий майдони 6,3 миллион гектаргача кенгайтирилди ёки мамлакатимиз ҳудудидеги улущи 4,6 фоиздан 14,08 фоизга етказилди. Шунингдек, юртимизда ўрмон билан қопланган майдонлар ҳам кенгаймоқда. Чиқиндилар билан ишлаш тизими такомиллашяпти.

Туризм соҳаси ҳам йилдан йилга ривожланмоқда. Хоржий сайёҳлар сони 2023 йилда 6,6 миллионга етди ва 2,12 миллиард доллар миқдориде туризм хизматлари экспорти амалга оширилди. Ички туризм оқими ҳам кўпайиб бормоқда. Хоржийлик экспертлар бу соҳадиге ислохотларга баҳо берад экан, Ўзбекистонда барқарор туризмни ривожлантириш бўйича шароит ва имкониятлар етарли экани, айниқса, мамлакатимиз замини Буюк ипак йўли бўйиде жойлашгани соҳанинг янада равнақ топишида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллиги

Махтумқули —

ДИЛ КОТИБИ ИНСОННИНГ...

ёхуд Бертельснни қизиқтирган мумтоз мисралар таърифи

Бола шууримизга сингиб кетган шундай қўшиқлар борки, улгайғач ҳам уларни тинглаганда томримизда оқаётган қон янглиғ кўхна оҳанлар нафасини, ўзлимиздан дарак берадиган мангу соғинччи ҳис қиламиз. Ҳар гал радиодан “Мастона юргунча ғайри юртларда, униб-ўсган ўз юртиндан айрилма”, деб бошланадиган қўшиқни биз жамалакоч қизчалар ҳам юрагимиз увишиб тинглаганимизни, кейин негадир йиғлагимиз келганини, бир оздан сўнг эса қалбимиз ёришиб, кайвони момоларимизнинг қалампирмунчок иси келиб турган иссиқ баррига сингиб эркаланганимизни кўп бор хотирлаймиз.

Шунинг учун унинг шон-шухрати, мартаба-маъқеи гоҳида шеърый шаклда халқ елга келади:


Махтумқули — Навоийси туркманнинг,
Фузулийси, ҳам Жомийси туркманнинг.

Махтумқули — Шекспири туркманнинг,
Гомер, Гёте — сўзда пири туркманнинг.

Махтумқули — Толстойи туркманнинг,
Мисли Помир — баланд бўйи туркманнинг,

деган тарзда.
— Махтумқули шеърини туркий миллатлар, жумладан, ўзбекларнинг ҳам маънавий мулкига айланган. Шеърлари бир неча марта ўзбек тилида нашр этилган. Нуфузли тадбирлар ва маросимларимизда эл-юрт меҳри, ота-она қадри, умуминсоний ғояларни тараннум этгувчи кўплаб шеърлари ҳофизлар томонидан куйланади. Юртдошларимиз у ҳақда худди ўз шониримиздек катта меҳр ва эҳтиром билан сўзлайди...

— Тўғри, шунинг учун Президентимизнинг “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қароридан “Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр



туркманчада ўқиган ўзбек шоирлари беихтиёр қўлига қалам олиб, уларнинг таржимасига чоғланади. Шунга кўра, ўзбек таржимашунослик илмида Махтумқули шеърлари тадқиқи алоҳида ўрин тутади. Илм ва адаб аҳли Махтумқули шеърларининг бир неча таржимаси борлигини яхши билади. Шу билан бирга, Махтумқули шеърлари янги таржималарининг ҳамон давом этаётгани жуда табиий ва қувонарли ҳолидир.

Шу ўринда ўзбек-туркман адабий алоқаларини кўрсатиб берувчи мана бу маълумотларга ҳам тўхталиб ўтсак.



маънавий қурол даражасига кўтаради. Давлатимиз раҳбарининг глобал дунёнинг аини дамаги изтироблари ва вулконларига жавобан туркий адабиётининг бу каби ноёб меросига мурожаат қилиши, кўхна бадий хазинани ёдига солиши бежиз эмас.

— Адабиёт, хусусан, Махтумқули ижоди ҳамма даврнинг маънавий касалликларини учун Ҳақ дорисидир. Унда гўзал инсонийлик фазилатлар — садоқат, тўғрилик, камтарлик, виждон, дўстлик, бирдамлик ва бошқа тушунчалар тараннум қилинади. Мард одамни яхши кўради. “Ҳақ сўзининг устидида берар ширин жон”. Ким шундай табиилат? Мард одам шундай. Махтумқули шеърларининг марказий лирик образларидан бири ҳам мард одамдир. Мард одамнинг ҳолини шоир баланд пафосда куйлайди. Номарднинг эса ҳамини боши эгилган, ичи қирланган бўлади. “Мард кутар меҳмонни очик юз билан, Номард қочиб қолар, меҳмон учраса”. Шоирнинг ҳаётий тажрибаси, ўз кўзи билан кўрган ҳақиқатлари булар.

Айни дамда шоирга тубан кимсалар ва тубанликлар, жоҳиллар асло ёқмайди. **Гарчи насихатдир элларга сўзинг, Эл олмасдан аввал амал қил ўзинг, Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг, Жоҳилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.**

Глобаллашган бугунги замонда ҳам Махтумқули ёзганлари ҳар бир инсон учун дастуруламал бўлишга муносибдир. “Махтумқули сўзи дурдир билганга”. Махтумқулининг умрбоқий шеърлари ҳаққоний, самимий, халқчил бўлгани учун ҳам марварид-дурга ўхшайди ва ҳар бир ўзбеки билан нафақат китоб жавони, балки кўнгли мулкидан ҳам муқим ўрин олган, албатта.

— **Тадқиқотчи Ҳамидулла Ҳасанов бундай ёзади: “Махтумқули Фирогий ниҳоятда зўр, таъсирли, халққа ёқадилик, туркманга ҳам, ўзбекка ҳам ўз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бутун Шарққа машҳурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва ҳатто ўзбек Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан куйлайдилар. Афғонистонда бир кекса туркман бахшис борлигини эшитдим, у Махтумқули шеърларини маҳорат билан ижро этишда ном чиқаргани учун ўзини “Махтумчи” дер экан”. Ҳофизлар орасида шоир шеърлари нега бунча оммалашган?**

— Ҳофизларга ҳам илҳом беради Махтумқули. Шунинг учун бу шоир хусусида “Махтумқули ижоди — илҳом булоғи” деган муҳим бир қараш ҳам бор. Мен ҳофизлар, санъат аҳли билан боғлиқ жиҳатларни унча яхши билмайман. Бироқ туркман ҳофизлари орасида улуг шоир шеърларини куйламагани асло топилмайди. Айни дамда машҳур ҳофизимиз Комилжон Отаниёзов шоир шеърларини куйга солиб,

оммалаштирганини кўпчилик яхши билади. Махтумқули адабий мероси, шухрати Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига қараганда Хоразмда кенг ёйилган ва халқ қалбига чуқур сингиб кетган. Бунинг асосий сабабларидан бири Махтумқули шеърларининг Хоразмдаги ўзбек шевалари тилига яқинлигида, шоирнинг Шерғози мадрасасида тахсил олиши ва асарларининг кўп қисмини Хоразмда ёзганида бўлса керак. Шунинг учун машҳур хонанда ва бастакор Комилжон Отаниёзов “Хоразмни шоирнинг иккинчи юрти” деб бемалол айтиши мумкин”, деган экан. Ҳофизнинг анъанасини давом эттирган санъаткорлар кўп. Яқинда Махтумқулининг:

Макон тупиб, уч йил ичдим тузинини,

Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!

Ўтказдим қиш, баҳоринг — Наерўзинини,

Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!

деб бошланадиган шеърини ардоқли ҳофизимиз Карим Раҳмон ижросида эшити, тўғриси, жуда таъсирланган.

— Устоз, шу ўринда улуг туркман шоири ва мутафаккирига бағишланган эзилган асарларга ҳам эътибор қаратсак. Ўзбекистонда Махтумқули ижодини тарғиб ва тараннум этгувчи ўзига хос мактаб вужудга келган, деб айта оламизми?

— Ҳали Махтумқули ижоди кўп, жиддий ва чуқур ўрганилиши лозим. Биздаги адабиётшунослар орасида махтумқулишунослар борлиги муҳим. Махтумқули кўләмлари, турли нашрлари, уларнинг нусхалари, фарқлари — булар тадқиқ этилиши керак. Шу билан бирга, кейинги ўн-беш йилда ўнга яқин янги таржимаси пайдо бўлди. Улар ҳам тадқиқотлар учун мавзу. Махтумқули услубида — махтумқулиёна шеърлар ёзаётган, Махтумқулига бағишлов ёзган шоирлар бор. Булар ҳам ўзбекистон молики. Айни дамда Абдулла Ориповдек аллома шоирнинг тавсия-даъвати бор:

Шоир укам, ўқи Махтумқулини,
Ҳикматага йўғрилган панду насихат.
Ғанимат демиш у умр йўлини,
Ҳа, умр ўткнчи, умр ганчимат.

Дарҳақиқат, ўзига, ўзлигига диққат қаратишни, кимлигини, бу дунёга келиб-кетиш мазмунини англамоқни истаган ҳар бир инсон учун Махтумқули шеърлари мутолааси доимий эҳтиёж бўлиб қолаверади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Муҳтасар ТОЖИМАТОВА
суҳбатлашди.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.



миллатига шон-шухрат келтирди. Зеро, туркман шеърини тарихи хусусида сўз очиладиган бўлса, аввало, Махтумқули тилга олинади. Хусусан, биз — ўзбекларда беихтиёр ҳикматли сўзларга айланган “Бой бўлай деб иззатингдан айрилма” тарзидаги мисралари айтилади. Е.Э.Бертельснни шоирнинг бу шеъри бежиз қизиқтирмаган бўлса керак. Чунки шеър туш ҳодисаси билан боғлиқ. Туш эса бадий адабиётда руҳий-психологик ҳодиса сифатида кенг ўрганилади. Шу билан бирга, “Тургил дедилар” шеърда Махтумқули маънавияти, дунёқарашини ва шеърининг қайси улуғларга бориб тақалишини ҳам кўриш мумкин.

“Ул Баҳодир дидир, ул камил эрдир,
Бири Занги бобо, ул ҳам номдордир,
Сунушиб турган ул тўрт чорёрдир,
Мақсадинг не бўлса, айтгин!” дедилар.


Шоир улуғлардан дуо, оқ фотиҳа олади. Шеърни, зарур бўлса, анча шарҳлаш мумкин. Дунёдаги махтумқулишуносликка келадиган бўлсак, мен шоир ижоди билан мажор олимни Ҳ.Вамбери шуғулланганидан хабарим бор. Махтумқули шеърларини немис тилига ўғириб, журналда эълон қилади ва XIX аср ўрталарида Европага тарқатади. XX аср бошларида Оренбургда нашр бўлган “Шўро” журналида Заки Валидий Тўғоннинг Махтумқулига бағишланган махсус мақоласи ва “Девон”и учун тузилган кўрсаткич эълон қилинади. Туркий адабиёт тарихи билан шуғулланган рус олимлари ҳам Махтумқули ижодида бефарқ бўлмаган. Зеро, Махтумқули дунё адабиёти тарихига улуг ҳисса қўшган бирор ижодкордан кам шоир эмас.

қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилиши, албатта, бежиз эмас. Юртимизда мумтоз шоирнинг шеърлари ва улар асосида яратилган қўшиқлар кириб бормаган хондон, унинг номини билмайдиган ўзбек топилмайди. Махтумқули асрлар мобайнида халқимизнинг ўз шоирига айланган”, деган муҳим бир фикр айтилади. Зотан, адабиёт муҳибларига бирдек суюкли бўлган Махтумқулининг шеърый олами ҳамма замонларда сўз захматкашларини безовта қилиб келди. Шоир шеърларини



Ўзбекистонда яқин йиллар ичида туркман халқи миллий етакчиси Гурбангули Бердимухамедовнинг “Бахтли ҳаёт соғлиқдан бошланар”, “Маданият — халқнинг бебаҳо хазинаси”, “Барҳаёт афсона”, “Чой — шифо ва руҳий қувват манбан” асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, 2022 йилда нашр қилинган “Туркий адабиёт намуналари” 100 жилдли асарлар мажмуасининг 9 та жилди туркман адабиётига ажратилган бўлиб, унда туркман мумтоз адабиётдан то бугунги кунда ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар асарларининг ўзбек тилига таржималари жамланган. Туркман мумтоз адабиётидан Мулланафас, Махтумқули, Андалиб, Залили, Камина, Ошиқий, XX аср адабиётидан Хидир Деряев, Берди Кербобоев, Қаюм Тангриқулиев, Ораз Яғмур, Отажон Тоғон романлари киритилган. Замонавий туркман шеърини ва насри антологиясига Қора Сейтли, Бердиназар Худойназаров, Нури Байрамов, Омонгўзал Шоқулиева Каби Шоирлар, Беки Сайтақов, Оразкул Оннаев, Қадаммурод Атоев каби ёзувчилар ҳикоялари бор.

— Улуг шоир ўз даврининг жароҳатларига ақл-заковатни, имон ва этиқодни, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни, аждодлар удумига асосланган ҳамдардлик ва адолатли курашини қарши кўяди. Бу туйғуни поэтик сўз қудрати билан



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳрирати ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташқилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Бюджет** — 3728. 41218 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** услудида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Муҳаррир: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй